

**Тошкент кимё-технология институти**  
**Ғ.Рахмонбердиев номидаги «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси»**  
**кафедраси мудири, профессор, к.ф.д. А.Ш.Хусенов,**  
**“Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси”**  
**кафедраси мудири, профессор, т.ф.д. Р.И.Адилов ва “Умумий кимё”**  
**кафедраси доценти, т.ф.н. С.Ж.Холикованинг**  
**А.Куатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университетида бўлиб ўтган**  
**хизмат сафари бўйича**

## **ҲИСОБОТИ**



Тошкент кимё-технология институти ректорининг 2023 йил 11 октябридаги № 2/35 сонли буйруғи ҳамда А.Куатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университетининг таклиф хатига асосан, Ғ.Рахмонбердиев номидаги «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси мудири, профессор, к.ф.д. А.Ш.Хусенов, “Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси” кафедраси мудири, профессор, т.ф.д. Р.И.Адилов ва “Умумий кимё” кафедраси доценти, т.ф.н. С.Ж.Холиковалар, илмий, ўқув-услубий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳорижий тажрибани ўрганиш ҳамда, илмий лабораториялар билан танишиш мақсадида, 2023 йил 11 октябрдан 11 ноябргача А.Куатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университетида хизмат сафарида стажировкада бўлишди.

Хизмат сафари давомида А.Куатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университетининг тузилиши, ўқув жараёни, моддий техник базаси билан танишилди.





Университет бош биносидаги академик А.Куатбековнинг илмий фаолияти, ҳаёти, илмий ютуқлари ва ҳ. ларга бағишланган музейга ташриф буюрдик.



Бакалавр, магистр ва илмий ходимлари ва замонавий таҳлил ускуна ва жихозлари (УФ, ЯМР, Структур спектрлар, масс-спектр, ГПХ, ГЖХ



анализлар, экструдер, 3D-принтер, мустахамликни аниқловчи жиҳоз ва бошқалар) дан фойдаланиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётганликлари ўрганилди. Шу билан бирга ушбу муассасада 15та ихтисослашган янги замонавий лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган.



Шу билан бирга Университет қошида йирик илмий техник кутубхона ташкил қилинган бўлиб, ушбу кутубхонада барча талаба ва илмий ҳодим ва профессор-ўқитувчилар 9:00 дан 20:00 гача фойдаланиш имкониятига эга ва барча шарт шароитлар яратилган.





Биз сафар давомида Халқлар Дўстлиги Университетида ташкил этилган малака ошириш курсларида қатнашдик. А.Қуатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университетида 3 та модулдан иборат бўлиб, 1 модул 5 ҳафта, 2 модул 3 ой ва 3 модул 3 ҳафта. Ҳар бир модулда 5 тадан фанлар бўлиб, дарс машғулотлари етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади.



Малака ошириш курсида қатнашувчи тингловчилар курс сўнгида, ўзига берилган топшириқни бажариб, ўз корхонасидаги бирор бир муаммони ечимини таклиф қилиш билан яқунлайди. Хизмат сафари натижасида 144 соатли курсни тамомладик ва тегишли сертификатни олдик.



Хизмат сафари натижасида, Тошкент кимё-технология институти билан А.Қуатбеков номидаги Халқлар Дўстлиги Университети келажакда илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, малака ошириш курслари бўйича модулни онлайн тарзда икки институт

олимлари ўртасида муҳокама қилиш ва шу соҳадаги ишларни биргаликда бажаришга келишиб олинди.

**ЦЁСТ кафедраси мудири**

**А.Ш.Хусенов**

**ЮМБПТ кафедраси мудири**

**Р.И.Адилов**

**Умумий кимё кафедраси доценти**

**С.Ж.Холикова**